



НУТҚНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ФИКР АНГЛАТИШ ҚУРОЛИ

Бобоходжаев Рашиджон Хашимович

*Тошкент давлат транспорт университети, филология фанлари номзоди,
доцент “Таҳририй нашриёт ва полиграфия” бўлими бошлиги*

Аннотация: *Мазкур мақолада нутқнинг таъсирчанлик хусусияти ҳамда унинг асосий алоқавий сифатлар билан боғлиқлиги таҳлил қилинади. Тил нафақат фикр англатиш қуроли, балки кучли ҳиссий таъсир кўрсатиш воситаси сифатида ҳам ўрганилади. Таъсирчан нутқнинг юзага келишида фонетик-орфоэпик омилар, синонимлар, эвфемизмлар, мақоллар, инверсия ва бадиий ифода воситаларининг роли алоҳида қайд этилади. Мақолада нутқнинг тозаллиги, мантикийлиги ва гўзаллиги орқали тингловчи ёки ўқувчига кучли таъсир ўтказиш имкониятлари илмий асосда таҳлил этилади.*

Калит сўзлар: *Таъсирчан нутқ, тил бирликлари, фонетик таъсир, синонимлар, эвфемизм, инверсия, бадиий ифода, мақоллар, нутқ услуби*

Annotation: *This article analyzes the expressive potential of speech and its connection with communicative qualities such as clarity, logicity, and linguistic purity. Language is studied not only as a tool for conveying thought but also as a means of strong emotional influence. Particular attention is paid to the role of phonetic-orthographic features, synonyms, euphemisms, proverbs, inversion, and stylistic devices in creating impactful speech. The article explores how aesthetically rich and logically structured speech can deeply influence listeners or readers.*

Keywords: *expressive speech, linguistic units, phonetic impact, synonyms, euphemism, inversion, artistic expression, proverbs, speech style*

Тил фикр англатиш қуроли бўлиш билан бирга мукаммал ҳиссий таъсир қилиш воситаси ҳамдир. Тилнинг бу хусусиятидан инсон ўз фикрини ўтқир ва таъсирчан қилиб ифодалаш, шу билан бир қаторда бир-бирини лаззатлантириш, шавқатлантириш мақсадада ҳам фойдаланади. Тингловчи ва ўқувчи эътибори ҳамда қизиқишини қозонадиган хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан нутқдир. Таъсирчан нутқнинг юзага келишида юқоридаги бўлимларда санаб ўтилган нутқнинг алоқавий сифатлари – аниқлик, тўғрилиқ, мантикийлик, тозаллик кабилар муҳим аҳамиятга эга. Яъни нутқ тўғри бўлса, у таъсирчан бўлади, нутқ мантикий бўлса - таъсирчан бўлади ва ҳоказо. Нутқнинг бошқа алоқавий сифатлари сингари таъсирчанлик ҳам адабий тилнинг барча ярусларига суянади. Бу жиҳатдан қараганда, тилнинг фонетик-орфоэпик бўғини ўзига хос аҳамиятга эга. Фонетик-орфоэпик жиҳатдан нутқ таъсирчанлигини ошириш турли йўллар билан амалга оширилади. Жумладан, оғзаки нутқда сўздаги унги





товушларни чўзиш орқали шодланиш, таажжуб, изтироб, ўқиниш, ғазабланиш, кесатиш каби қатор ҳиссий бўёқ ифодаланади. Нутқий таъсирчанлик урғу ҳамда сўзларни бўғинларга бўлиб талаффуз қилиш билан ҳам рўёбга чиқади: бор-май-ман, ўқи-май-ди кабиларда қатъий инкор ифодаланмоқда. Оғзаки нутқ талаффузидаги оҳанг, тез-секинлик, қаттиқ ёки юмшоқлик ҳолатларини тўлиқ ифодалаш учун ёзма матнлардаги айрим сўзлар орфографик қоидаларга зид равишда турли график белги ва шаклларда ҳатто бўёқларда ёзилаверади. Бу ёзма нутқда фонографик усул билан таъсирчанлик ифодалашдир. Нутқ таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида Мнотиклар ва сўз санъаткорлари ўз нутқларини кўтаринки тантанали услубда баён қиладилар. Бундай нутқлар, одатда, муҳимнутқларда текис ритм, урғуларни тўғри қўйиш, интонацион кўтаринкилик, ўрни билан паузага эътибор берилади.

Нутқнинг гўзал ва шинамлиги, таъсирчанлиги унинг турли маъно нозикликларига эга бўлган сўз ва ибораларга бойлиги билан белгиланади. Чунки бу тил бирликлари нутқда бирор тушунча ифодалашдан ташқари жўшқин ҳис-туйғуларни, ички кечинмаларни ҳам ифодалайдилар.

Нутқ жараёнида ахлоқ-одоб ҳамда ҳиссий талаблар таъсирида айтилиши ножоиз, ноқулай бўлган сўзларни юмшоқ ва мулойим ифодаси бўлган иккиламчи номлар, яъни эвфемизмлар тилда алоҳида бир тизимни ташкил қилади. Масалан, ҳомила, ҳомиладорлик, туғиш билан боғлиқ бўлган: гумона, юкли, оғир юкли, оғир бўй, оғир оёқ, икки қат, ой-куни яқин, қутулмоқ, кўзи ёримок каби қатор эвфемизмлар халқимизнинг миллий руҳи, одоби, назокатини акс эттирган тил бирликларидир. Эвфемизмлар орқали, асосан, инсон руҳияти, ўзаро муносабати, бир-бирига бўлган эъзози, ҳурмати, тақаллуфи акс этади. А.Қодирий ижодида юқори маромга етказилгани учун китобхон онгида ўчмас из қолдиради: “Сизни ва отамни жуда соғиндим, агарда оғир оёқ бўлмасам эди, қиш бўлишига қарамасдан Марғилонга жўнар эдим. Қудангиз, қайинонамнинг сўзига қараганда, келаси ойга кўзим ёрир эмиш”. Нутқ таъсирчанлигини оширишда мақол ва афоризмларнинг роли ниҳояда катта. Чунки уларда тийран фикр, ёрқин зеҳн, нарса ёки воқеаларнинг энг муҳим хусусиятлари акс эттирилган бўлади. Шу сабабли, моҳир нотиклар ўз нутқларини янада ишончли ва таъсирчан қилиш учун доимо халқ мақолларига мурожаат қиладилар. “Сўз кўрки – мақол”, “Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи”, “Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар” каби қатор мақолларнинг маъноси бевосита яхши, роҳатбахш ва таъсирчан нутқ сўзлашга алоқадордир.

Ҳар қандай нутқ синтактик жиҳатдан тўғри тузилган бўлса, у таъсирчан бўлади. Ўзбек тили синтаксисида жозибали нутқни юзага келтирувчи имкониятлардан бири инверсиядир. Инверсиядан меъёрида фойдаланиш нутқ таъсирчанлигини оширади. Чоғиштиринг: қўлингни елкамдан торт (сўраш, илтимос), торт қўлингни елкамдан (қатъий талаб, буйруқ) Аммо инверсия қоидаларига эътибор қилмай, уни





бузиб ёки меъёридан ортиқча қўллаш нутқ савиясини пасайтиради: Бир дафтар кўрсатишди менга Фарғона водийсида юрганимда бир кун уни вароқладим-у, қайтиб ололмадим бошимни ундан, ўқиб тугатмагунимча. Муҳаббат уйига ўхшарди, бу дафтар чиқиб кетгиси келмасди кишининг. (Т.Тўла. “Нафосат”). Нотик ўз нутқини ихчам ва таъсирчан қилиб ифодалашида турли хил синтактик услубий фигуралардан фойдаланиши мумкин. Булар орасида сифатлаш, (эпитет), ўхшатиш, муболаға, жонлантириш, такрорлаш, антитеза кабилар нутқни безайди, айтилган фикрни хотирада узоқ сақланиб қолишига сабаб болади.

Хулоса қилиб айтганда, таъсирчан нутқ инсон нутқ маданиятининг энг юқори поғонаси ҳисобланади. Унинг юзага келишида тилнинг барча яруслари — фонетик, лексик, грамматик ва синтактик воситалар ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаракат қилади. Айниқса, сўз бойлиги, синонимлардан ўринли фойдаланиш, мақоллар ва эвфемизмларнинг самарали қўлланилиши нутқни гўзал ва таъсирчан қилади. Нотикнинг бадий фикрлаши, сўз ўйинларидан фойдаланиш маҳорати, услубий фигуралар орқали сўзни тингловчи қалбига етказа олиши унинг муваффақиятини белгилайди. Шу боисдан, ҳар бир сўзловчи ўз нутқ маданиятини юксалтиришга интилиши зарур.

REFERENCES

1. Babaxodjayev R. The Russian Layer in the Hydronymy of Tashkent and Tashkent Region // *Modern Issues of Philology*. – 2020.
2. Babaxodjayev R. Problems of Slavic Lexicology and Phraseology // *Slavic Languages: System-Descriptive and Sociocultural Aspects of Research*. – 2017.
3. Bobokhodjaev R. Kh. Application of Interactive Methods in Distance Learning of the Russian Language // *Uzbek Scholar Journal*. – 2022. – Vol. 10. – pp. 179–182.
4. Suyunova D.D. A Scientific-Theoretical Approach to the Implementation of Digital Transformation in Corporate Governance of Joint-Stock Companies. (Topical Issues of Business and Entrepreneurship Development in the Context of the Digital Economy, International Scientific-Practical Conference, December 23, 2022).
5. Babaxodjayev, Rashid. Some Methodological Issues of Terminology. Educational Terminological Sphere in the Selected Specialty: Proceedings of the Scientific-Practical Seminar (2010).
6. Babaxodjayev R. The Russian Layer in the Hydronymy of Tashkent and Tashkent Region // *Modern Issues of Philology*. – 2020.
7. Bobokho'Jayev R. Kh. Learning Foreign Languages Online // *Science and Education*. – 2022. – Vol. 3. – No. 6. – pp. 840–845.
8. Babaxodjayev R. Communicative Features of the Functioning of Euphemisms // *Commonwealth of Languages – Commonwealth of Cultures*. – 2017.





9. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1974-1980.

10. Умарова, Р. Ш. (2019). Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни. *Достижения науки и образования*, (3 (44)), 32-33.

11. Ramatov, J., & Umarova, R. (2021). Central Asia in IX-XII Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(04), 148-151.

12. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.

13. Умарова, Р. (2015). Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни. *Theoretical & Applied Science*, (10), 127-129.

14. Умарова, Р. Ш., Абдукаримова, Г. Б., & Тухтабоев, Э. А. (2019). Вклад Абу Райхана Беруни в развитие философии Ближнего, Среднего Востока и мировой науки. *Проблемы науки*, (12 (48)), 65-66.

15. Умарова, Р. Ш. (2019). Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни. *Проблемы науки*, (4 (40)), 56-57.

16. Babaxodjayev R. Communicative Features of the Functioning of Euphemisms // *Commonwealth of Languages – Commonwealth of Cultures*. – 2017.

